

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КОМИЛОВА АДИБА ЗОКИРЖОНОВНА

**COVID 19 КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОЛЛАРДА
ГЛОССАЛГИЯНИ ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Комилова Адиба Зокиржоновна

Covid 19 касаллиги билан оғриган беморларда
глоссалгияни даволашни такомиллаштириш..... 3

Комилова Адиба Зокиржоновна

Совершенствование лечения глоссалгии у больных,
перенесших Covid 19..... 29

Komilova Adiba Zokirjonovna

I Improving the treatment of glossalgia in patients
survivors Covid 19..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КОМИЛОВА АДИБА ЗОКИРЖОНОВНА

**COVID 19 КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ГЛОССАЛГИЯНИ ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1943 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsdі.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимова Малика Худайбергановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Блашкова Светлана Львовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бекжанова Ольга Есеновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бошқирд давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: tsdi2016@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Қ. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда COVID-19 пандемияси натижасида юзага келган оғир асоратланган хасталик бўлиб аҳоли турли қатламлари орасида кўпайиб бораётгани сабабли мазкур касаллик тиббий-ижтимоий жиҳатдан аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, COVID-19 касаллиги билан ер юзининг 532 миллион аҳолиси касалланганлиги қайд этилиб, «...SARS-CoV-2 вируси таъсири ангиотензин-конвертинг фермент-2 (ACE-2) рецептори таъм билиш асаб толаларига салбий таъсир натижасида кучли оғриқлар юзага келади...»¹. Жаҳон миқёсида COVID-19 хасталигини ўтказган беморларда турли касалликлар, жумладан, глоссалгия ва унинг асоратларини олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликни даволашнинг самарали усуллари тadbiq қилиш тақазо қилмоқда. Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиқиб, COVID-19 хасталиги билан оғриган беморлардаги глоссалгияни даволаниши такомиллаштириш замонавий терапевтик стоматологиянинг мураккаб ва долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19 касаллиги билан оғриган беморлардаги глоссалгияни самарали даволашни такомиллаштириш борасида қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада COVID-19 дан кейин глоссалгия касаллигида клиник-функционал ва микробиоценоз кўрсаткичларини бартараф этиш, асоратларини олдини олиш, аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдиришини камайтириш, тиббий-ижтимоий мослашув механизмларини такомиллаштириш ҳамда беморларда рухий зўриқиш ҳолатини яхшилаш, оғриқ ва ачишиш хисси ҳосил бўлишини бартараф этиш, хасталик асоратларни олдини олиш, самарали ташхислаш ва даволашнинг замонавий йўналишларни такомиллаштиришга қаратилган илмий йўналишдаги тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини замонавий ривожлантириш асосида, аҳолига юқори сифатли ихтисослашган, жумладан, стоматологик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, стоматологик амалиётга юқори самарали технологияларни жорий этиш кабилар бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, COVID-19 ўтказган беморларда глоссалгияни бартараф этишга, психоэмоционал ҳолатни

¹ Muhammad Aziz, and other. Taste Changes (Dysgeusia) in COVID-19: A Systematic Review and Meta-analysis. *Gastroenterology*. 2020 Sep; 159(3): 1132–1133.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

яхшилашга ва даволаш самарадорлигини ошириш асосида такомиллаштириш каби йўналишида тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018-йил 18-декабридаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда стоматологик касалликлар инсон организми шикастланишининг энг кўп учровчи тури бўлиб, унда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонт касалликлари алоҳида ўрин тутаяди. Дарҳақиқат, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг касалликлари турли хил этиологик омиллар туфайли юзага келади, айниқса оғиз бўшлиғининг структураси ва функциясининг ўзига хос хусусиятлари шиллиқ қаватга шикастловчи омиллар, патогенлар ёки вирусларнинг таъсири учун шароит яратаяди. Баъзи муаллифлар томонидан COVID-19 ўтказгандан сўнг организмни турли тизимида бўладиган асоратлар баён қилинган. [Chen L, Zhao J, Peng J, Li X, Deng X, Geng Z, Shen Z, Guo F, Zhang Q, Jin Y, Wang L, Wang S.2020]. Шундай қилиб, тўпланган адабиёт маълумотлари шуни кўрсатадики, маҳаллий ва умумий ривожланиш омиллари, глоссалгия диагностикаси ва даволаш усуллари, айниқса, реабилитация босқичида COVID-19 билан хастланган беморларда аниқланмаган. Беморларнинг маҳаллий ҳимоя қилишнинг микробиологик ва иммунологик омиллари, цитокинлар каскади, фермент тизимининг фаоллашуви ва эндоген интоксикация, гепатобилиар патологияси бўлган периодонтал ва оғиз шиллиқ қавати касалликлари билан оғриган беморларни комплекс патогенетик даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради

Мамлакатимизда ва дунё олимлари оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини ўрганишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Глоссалгиянинг комплекс даволаш учун дори-дармонларни излаш, касалликнинг турли клиник шакллари ривожланишининг патогенези, шунингдек, маҳаллий ва тизимли даволаш чоралари баҳоланди. Даволаш усуллариининг йиллар давомида мукаммалланиши, тиббиёт ва фармацевтика препаратларини янгиланишига қарамай COVID-19 ўтказгандан кейин

глоссалгия билан оғриган беморлар орасида турли асоратлар келиб чиқиши ошиб бормоқда. Қатор муаллифлар томонидан глоссалгия касаллигини ташхислаш ва даволаш усуллари таҳлил қилинган [Камилов Х.П. ва муал., 2021; Э.Г.Борисова, 2016; Тиунова Н.В., 2016; Каракоров К.Г. ва муал.2017].

Шундай қилиб, тўпланган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, маҳаллий ва умумий ривожланиш омиллари, COVID-19 ўтказган глоссалгия билан хастланган беморларни ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш масалалари долзарб ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммолардан бири сифатида илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бу мазкур диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишларининг истиқболли йўналишларига мослигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011900243 «Тишлар, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини ташхислаш, даволаш, олдини олишнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 билан хасталанган ва глоссалгия ташхиси билан асоратланган беморларда глоссалгияни даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 ўтказган беморларда глоссалгиянинг клиник хусусиятлари ва кўрсаткичларнинг функционал тадқиқот усуллари маълумотлари билан боғлиқлигини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган беморларда глоссалгияда беморларнинг психо-эмоционал ҳолатини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган глоссалгия билан оғриган беморларда таклиф этилаётган даволаш самарадорлигини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган глоссалгия билан хасталанган беморларда касалликни олдини олиш ва асоратларни бартараф этиш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2021 йилларда Тошкент давлат стоматология институти госпитал терапевтик стоматология поликлиникасида COVID-19 бўлган глоссалгия билан хасталанган 88 нафар бемор ва назорат гуруҳи сифатида 20 та амалий жихатдан соғлом шахслар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида COVID-19 билан хасталанган беморларда қайд қилинган глоссалгияда тил, микробиологик кўрсаткичларни (ОHI-S) лаборатор (микробларни дисбиоз даражасини сон ва сифат кўрсаткичини)баҳолаш учун оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, оғиз суюқлиги, қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот COVID-19 касаллиги билан хасталанган беморлардаги глоссалгияни самарали даволашда клиник, лаборатор, микробиологик, функционал ва статистик тадқиқот усуллари фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан хасталанган ва глоссалгия ташхиси билан асоратланган беморларда иммун тизимининг пасайиши ва организмнинг шартли потоген микрофлорасининг ўзгариши оқибатида *Staphylococcus aureus*, *Escherichia Coli*, *Candida albicans* ривожланиши оғиз бўшлиғидаги кислоталик муҳитнинг ўзгариши ва микробиоценози билан боғлиқлиги асосланган;

COVID-19 билан хасталанган ва глоссалгия ташхиси билан асоратланган беморларда бош ва бўйин қон томирларнинг торайиши натижасида тилда кучли оғриқ ва ачишиш пайдо бўлиши натижасида қон томирларининг ўтказувчанлик ҳолати RІ периферик қаршилик индексининг ўзгаришига боғлиқлиги исботланган;

COVID-19 билан хасталанган ва глоссалгия ташхиси билан асоратланган беморларда ўлимдан кўрқув ва хавотирликни ортиши, организмнинг функционал имкониятларни пасайтириш, беморларда рухий зўриқишнинг ортиши натижасида тил парестезиясини ортишига олиб келиши асосланган;

COVID-19 билан хасталанган ва глоссалгия ташхиси билан асоратланган беморларда оғиз бўшлиғидаги ноинвазив даволашда нурлантириш натижасида уйқу артериясида қон айланишини яхшилаш ва ўтказувчанлиги ошириш орқали касаллик асоратлари камайтирилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан хасталанган ва глоссалгия ташхиси билан асоратланган беморларда ўтказилган клиник, микробиологик ва функционал тадқиқот натижалари асосида диагностика тизими ишлаб чиқилган;

COVID-19 билан хасталанган ва глоссалгия ташхиси билан асоратланган беморларда ноинвазив лазер нурлантириш натижасида тилдаги оғриқлар ва ачишишлар камайган, микробиоценозни меъёрланиши ва яшаш сифатини яхшиланишига олиб келган самарали даволаш тартиби ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, микробиологик, функционал ва статистик тадқиқот COVID-19 касаллигини билан хасталанган беморлардаги глоссалгияни самарали даволашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, COVID-19 бўлган глоссалгия билан хасталанган беморларда вируснинг вирулентлиги, патогенетик механизмлари, оғиз бўшлиғи тўқималарининг йирингли некротик зарарланиши оқибатида юзага келган эндоген интоксикация билан асоратланган беморларни ташхислаш ва интенсив даволаш тактикасининг ўзига хослигининг назарий методологиясини яратилганлигини баҳолаш изохланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф ва тавсияларнинг соғлиқни сақлаш тизимида COVID-19 билан хасталанган беморларда глоссалгияни ташхислаш ва даволашнинг янги тартиби такомиллаштирилганлиги натижасида касалликнинг қайталаниш даражаси ва давомийлигини камайтириш даволашнинг клиник самарадорлигини билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш. COVID-19 касаллиги билан оғриган беморлардаги глоссалгияни даволашни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

COVID-19 ни бошдан кечирган глоссалгия билан хасталанган беморларда клиник кечиш хусусиятлари ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Реабилитация босқичида COVID-19 бўлган глоссалгия билан хасталанган беморларнинг клиник-функционал диагностикаси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 апрелдаги 8 нр/363-сонли маълумномаси). Илмий натижалар COVID-19 сўнг глоссалгия билан оғриган беморларни ЛДФ ёрдамида ташхислаш самарасини ошириш имконини берган;

COVID-19 билан касалланган глоссалгия билан оғриган беморларда даволашни такомиллаштириш олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «COVID-19 бўлган глоссалгия билан оғриган беморларни комплекс даволаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 апрелдаги 8 нр/364-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар COVID-19 бўлган глоссалгия билан хасталанган беморларда Лазмик-Влок аппарати ёрдамида ноинвазив усулда қўллаш тавсия этилган, даволаш усули ўз самарадорлигини ошириш имконини берган.

COVID-19 бўлган глоссалгия билан оғриган беморларда даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан «ТОРТИНЧИ» МЧЖ (Тошкент шаҳар) стоматологик поликлиникаси ва Олмазор тумани «Kamelot med servis» МЧЖ (Тошкент шаҳар) стоматологик поликлиникаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 май 2022 й. 8н-з/221-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар COVID-19 бўлган глоссалгия билан касалланишни даволашга самарали таъсир қилиши, микробиоценозда ижобий ўзгаришлар кузатилиши, оғриқ симптомини камайтириб, 90 кундан сўнг оғриқ синдроми 1,26 мартага, 180 кундан кейин 1,80 марта пасайганлиги ва беморларда клиник кўрсаткичларнинг сезиларли яхшиланишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та

мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Глоссалгияни этиопатогенезнинг замонавий жиҳатлари, диагностикаси ва даволаш**» деб номланган биринчи боби замонавий адабиётлар таҳлилига бағишланган. Бугунги кунда Covid-19 бўлган глоссалгия билан оғриган беморларда даволашни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш ва ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида ушбу касалликнинг этиопатогенези, диагностикаси ва даволашнинг замонавий жиҳатлари атрофича таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Реабилитация босқичида Covid-19 билан касалланган ва касалланмаган беморларда глоссалгияни ўрганиш учун материаллар ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида беморларнинг умумий тавсифи, олиб борилган клиник, функционал ва лаборатор тадқиқот усуллари баён қилинган.

Тадқиқотлар Тошкент давлат стоматология институти кафедра мудири, профессор Камилов Х.П. бошчилигидаги госпитал терапевтик стоматология кафедрасида ва Ўзбекистон Республикаси президенти Администрацияси хузуридаги Тиббиёт бош бошқармасининг Санитария-эпидемиология назорати бошқармасининг бактериологик лабораторияси, ЛДФ усули “Раъно-Файз” клиникасида, асосий гуруҳдаги глоссалгияни комплекс даволашда Лазмик-Влок дан фойдаланиш Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонасида ўтказилди. Таҳлил ва хулосалар учун материал глоссалгия билан оғриган 88 нафар бемор бўлиб, улардан Covid-19 билан касалланган 51 нафари асосий гуруҳга киритилган, 37 таси таққослаш гуруҳини ташкил этди; меъёрий кўрсаткичлар 20 нафар соғлом шахсларнинг текширув натижаларидан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари статистик усулида ишланди.

ОНИ-S гигиеник индекси Грин-Вермилён бўйича аниқланди (GreenVermillion, 1964). Тилнинг чуқур дискриминацион сезгирлигини Вебер циркули ёрдамида ўлчаш асосида аниқланди. Тилнинг таъмга сезгирлигини

густометрия усули (Крикхели Н.И., Гаматаева Д.И., Дмитриева Н.Г) бўйича амалга оширилди.


Тилнинг функционал фаоллигини тилнинг таъм сезги рецепторларини чегарадан юқори кўзғатиш хусусияти усулида (Курляндский В.Ю., Хватова В.А.) аниқланди. ЛДФ усули (Лазер доплер флоуметрия) орқали тўқималарнинг қон билан таъминланишни ўлчаш имконини беради. Спирбергер-Ханина шкаласи бўйича реактив ва шахсий хавотирлик аниқлаш (Спилбергер Ч.Д., 1970) даражасини ўзини ўзи баҳолашнинг ишончли ва информацион усулидир. Глоссалгиядаги оғриқ белгиларининг интенсивлигини аниқлаш учун визуал аналог шкаласи ВАШ –VISUAL ANALOG SCALE-VAS (Huskisson E.C., 1974) ишлатилган.

Микробиологик тадқиқот усуллари глоссалгия билан оғриган беморларда оғиз бўшлиғи микрофлораси ҳолатини баҳолашда оғиз суяқлиги флорасининг миқдорий ва сифатли тадқиқотлари ўтказиш орқали аниқланади.


Олинган маълумотлар параметрик ва нопараметрик таҳлил усулларидадан фойдаланган ҳолда статистик ишловдан ўтказилди. Диссертацияда оддий тақсимот билан миқдорий кўрсаткичларни тавсифлашда, олинган маълумотлар арифметик ўртача (M), стандарт оғишлар (σ) ва стандарт хато (m), 95% ишонч оралиғи чегаралари ҳисобланган вариацион қаторларга бирлаштирилди ва амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Шахсий текшириш натижалари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот материалларини лаборатор ва диагностика усуллари даволашдан олдин олинган натижалар ҳақида маълумот берилган.

Илмий тадқиқот 2016-2020 йилларда ТДСИ терапевтик стоматология бўлимига глоссалгия касаллиги билан мурожат қилган беморларнинг ретроспектив таҳлили ўтқазилган. Бу таҳлилга биноан 2016-2020 йй 151 нафар глоссалгияли беморлар ташриф буюрган.



1-расм. 2016-2020 йилларда мурожат қилган глоссалгияли беморлар сони



2-расм. Мурожат қилган беморларни ёши

35-40 ёш (15,9%), 41-50 ёш (21,1%), 51-60 ёш (16,6%), 61-70 (21,8%) (2-расм).

151 бемордан шикоят қилдилар: оғиз қуришига 41 бемор ($27,15 \pm 3,62$), ачишишга 32 ($21,19 \pm 3,33$), оғриққа 34 ($22,52 \pm 3,40$), тилни шишига 15 ($9,93 \pm 2,43$), таъм бузилишига 29 ($19,21 \pm 3,21$).

1-жадвал

Беморларда глоссалгия касаллиги давомийлиги


Давомийлиги	абс	M±m,%	P
2 ой- 1 йил	51	33,77±3,85	Хи-квадрат = 7,066; P = 0,070
1 йил – 2 йил	37	24,50±3,50	
3 йил – 5 йил	34	22,52±3,40	
5 ва ундан кўп	29	19,21±3,21	
Жами	151	100,00±0,00	

1-жадвалдан маълум бўлдики энг қисқа давомийлик ($33,77 \pm 3,85$) глоссалгияли Covid-19 51 беморларда кузатилди. Covid-19 билан касалланмаган беморларда давомийлик 1 йилдан - 5 ва ундан кўп йилларда кузатилди. Бизнинг тадқиқотда иштироқ қилган 88 беморни жинси буйича тахсимланиши 2 жадвалда келтирилган.

3-расмда 35-40 ёшли Covid-19 касаллигини бошидан кечирган беморлар асосий гуруҳда 16 ($31,37 \pm 6,50\%$), таққослаш гуруҳда 6 ($16,22 \pm 6,06\%$) учради. 41-50 ёшли беморлар асосий гуруҳда 13 ($25,49 \pm 6,10\%$), таққослаш гуруҳда 8 ($21,62 \pm 6,77\%$) учради. 51-60 ёшли асосий гуруҳ беморлари 12 ($23,53 \pm 5,94\%$), таққослаш гуруҳда 12 ($32,43 \pm 7,70\%$) учради. 61-70 ёшли асосий гуруҳ беморлари 10 ($19,61 \pm 5,56\%$), таққослаш гуруҳда 11 ($29,73 \pm 7,51\%$) учради. Беморларни ўртача ёши $52,57 \pm 1,20$.

Тадқиқотга 88 глоссалгияси бор 35-70 ёш бемор қатнашди, шулардан 51 та (36-аёл, 15-эркак) Covid-19 касаллигини бошидан кечирган (асосий гуруҳ),

37 та (29-аёл, 8-эркак) Covid-19 билан касалланмаган (таққослаш гурухи), 20 соғлом инсон назорат гурухида қатнашди (2-жадвал).



3-расм. Беморларни ёши буйича асосий ва таққослаш гурухига тақсимланиши

2-жадвал

Беморларни гендер тақсимланиши, $M \pm m, \%$

Жинси	Асосий гурух			Таққослаш гурух			Жами		
	abs	$M \pm m, \%$	P	abs	$M \pm m, \%$	P	abs	$M \pm m, \%$	P
Эркак	15	29,41±6,38	Хи-квадрат = 8,647; p=0,003	8	21,62±6,77	Хи-квадрат = 11,919; p=0,001	23	26,14±4,68	Хи-квадрат = 20,045; p=0,000
Аёл	36	70,59±6,38		29	78,38±6,77		65	73,86±4,68	
Жами	51	100,00±0,00		37	100,00±0,00		88	100,00±0,00	
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 0,674; p=0,412								

3-жадвал

Асосий гурух ва таққослаш гурухидаги глоссалгия билан оғриган беморларнинг клиник белгилари, $M \pm m, \%$

Белгилар	Асосий гурух			Таққослаш гурухи			Жами		
	abs	$M \pm m, \%$	P	abs	$M \pm m, \%$	P	abs	$M \pm m, \%$	P
Ксеростомия	12	23,53±5,94	Хи-квадрат = 6,804; p=0,078	26	70,27±7,51	Хи-квадрат = 41,378; p=0,000	38	43,18±5,28	Хи-квадрат = 21,364; p=0,000
Тилдаги қараш	19	37,25±6,77		6	16,22±6,06		25	28,41±4,81	
Глоссит	6	11,76±4,51		3	8,11±4,49		9	10,23±3,23	
Сур қайт афта	14	27,45±6,25		2	5,41±3,72		16	18,18±4,11	
Жами	51	100,0±0,00		37	100,0±0,0		88	100,0±0,0	
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 20,202; p=0,000								

3-жадвалдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги глоссалгия билан оғриган беморларнинг клиник белгилари ксеростомия асосий гуруҳда 12 (23,53% ± 5,94%), таққослаш гуруҳида - 26 та (70,27 ± 7,51%) нафар беморларда кузатилганлигини кўрсатди (3-жадвал). Шунини таъкидлаш керакки, глоссалгия билан касалланган Covid-19 билан оғриган беморларда кўп ҳолларда карашлар аниқланган, таққослаш гуруҳи билан солиштирганда, беморларда карашлар ҳар доим ҳам аниқланмаган. Асосий гуруҳдаги 19 (37,25±6,77%) нафар беморларда тилда караш, таққослаш гуруҳида 6 (16,22±6,06%) нафар беморларда аниқланган. Covid-19 ни даволашда қабул килинган турли препаратлар ҳисобига оғиз бўшлиғи шиллик қаватида эпителий десквамацияси кузатилди, жумладан глоссит асосий гуруҳдаги 6 (11,76±4,51%) ва таққослаш гуруҳидаги 3 (8,11±4,49%) беморда кузатилган. Сурункали қайталанувчи афта асосий гуруҳдаги 14 нафар беморда (27,45±6,25%), таққослаш гуруҳида фақат 2 нафарида (5,41±3,72%) кузатилган (3-жадвал).

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Covid-19 глоссалгия билан оғриган беморларда комплекс даволаш натижалари» баҳоланади. Мураккаб патогенетик ва комплекс даволашдан 90 кундан кейин глоссалгия билан оғриган беморларнинг шикоятлари қуруқликни 11,0% га, куйиш ҳисси 9,8% га, оғриқ 9,81% га, таъмининг бузилиши 5,89% га ва тилнинг шиши 3,92% га камайди (Пирсон. Хи-квадрат = 0,975; P=0,914).

Комплекс даволашдан 180 кун ўтгач, беморларнинг дастлабки шикоятларини солиштирганда, қуруқлик - 25,49% га, куйиш - 29,41% га, оғриқ - 15,69% га, таъмининг бузилиши ва тилнинг шишиши 100% га камайди, яъни беморларнинг бундай шикоятлари глоссалгияда қайд этилмаган.

4-жадвалда оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг қуриши ҳар иккала гуруҳда ҳам бир хил даражада кузатилган, аммо асосий гуруҳда у 14 (27,45±6,25%) беморларда, таққослаш гуруҳида 9 (24,32±7,05% беморлар %) нафар беморларда кузатилган. Реабилитация даврида Covid-19 ни ўтказган 17 (33,33±6,60%) беморда куйиш ҳисси пайдо бўлган, таққослаш гуруҳида 12 (32,43±7,70%) нафар беморларда кузатилган. (Хи-квадрат Пирсон = 3.035; P = 0.552). Асосий гуруҳдаги 9 (17,65±5,34%) беморда ва таққослаш гуруҳидаги 8 нафар беморда (21,62±6,77%) тилда оғриқ кузатилди. Асосий гуруҳдаги таъмининг бузилиши 7 (13,73±4,82%) беморда, таққослаш гуруҳидаги 2 (5,41±3,72%) беморда қайд этилган. Тилнинг шишиши асосий гуруҳдаги 4 (7,84±3,76%) нафар беморда ва таққослаш гуруҳида 6 нафар беморда (16,22±6,06%) қайд этилган; Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги глоссалгия билан оғриган беморларнинг шикоятлари (Пирсоннинг Хи-квадрати = 3,035; P = 0,552) аҳамиятсиз (4-жадвал).

Асосий гуруҳда комплекс даволашдан 90 кун ўтгач, глоссалгия билан касалланган Covid-19 ни ўтказган 8 (15,69±5,09%) нафар беморларда қуруқлик, таққослаш гуруҳида 5 (13,51±5,62%) нафар беморда қуруқлик кузатилди. Асосий гуруҳда тилда куйиш 12 (23,53±5,94%) нафар беморда, таққослаш гуруҳида 6 (16,22±6,06%) нафар беморларда кузатилган.

4-жадвал

Даволаш курсида асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги глоссалгия билан оғриган беморларнинг шикоятлари


Шикоят	Даволашдан аввал								
	Асосий гуруҳ			Таққослаш гуруҳи			жами		
	абс	М±м,%	Р	абс	М±м,%	Р	абс	М±м,%	Р
ОБШҚ қуриши	14	27,45±6,25	Хи-квадрат = 10,863; P=0,028	9	24,32±7,05	Хи-квадрат = 7,459; P=0,114	23	26,14±4,68	Хи-квадрат = 16,545; P=0,002
Тилда куйиш	17	33,33±6,60		12	32,43±7,70		29	32,95±5,01	
Тилда оғриқ	9	17,65±5,34		8	21,62±6,77		17	19,32±4,21	
Таъмининг бузилиши	7	13,73±4,82		2	5,41±3,72		9	10,23±3,23	
Тилдаги шиш	4	7,84±3,76		6	16,22±6,06		10	11,36±3,38	
жами	51	100,0±0,00		37	100,0±0,00		88	100,0±0,00	
Р	Хи-квадрат Пирсона = 3,035; P=0,552								
шикоят	даволашдан 90 кундан сўнг								
ОБШҚ қуриши	8	15,69±5,09	Хи-квадрат = 10,667; P=0,031	5	13,51±5,62	Хи-квадрат = 4,000; P=0,406	13	14,77±3,78	Хи-квадрат = 12,400; P=0,015
Тилда куйиш	12	23,53±5,94		6	16,22±6,06		18	20,45±4,30	
Тилда оғриқ	4	7,84±3,76		5	13,51±5,62		9	10,23±3,23	
Таъмининг бузилиши	4	7,84±3,76		1	2,70±2,67		5	5,68±2,47	
Тилдаги шиш	2	3,92±2,72		3	8,11±4,49		5	5,68±2,47	
жами	30	58,82±6,89		20	54,05±8,19		50	56,82±5,28	
Р	Пирсоннинг Хи-квадрати = 2,920; P=0,571								
Р ₁	Пирсоннинг Хи-квадрати = 26,906; P=0,000								
шикоят	даволашдан 180 кундан сўнг								
ОБШҚ қуриши	1	1,96±1,94	Хи-квадрат = 0,500; P=0,779	3	8,11±4,49	Хи-квадрат = 3,538; P=0,472	4	4,55±2,22	Хи-квадрат = 6,235; P=0,182
Тилда куйиш	2	3,92±2,72		4	10,81±5,10		6	6,82±2,69	
Тилда оғриқ	1	1,96±1,94		4	10,81±5,10		5	5,68±2,47	
Таъмининг бузилиши	0	0,00±0,00		1	2,70±2,67		1	1,14±1,13	
Тилдаги шиш	0	0,00±0,00		1	2,70±2,67		1	1,14±1,13	
жами	4	7,84±3,76		13	35,14±7,85		17	19,32±4,21	
Р	Пирсоннинг Хи-квадрати = 0,975; P=0,914								
Р ₁	Пирсоннинг Хи-квадрати = 87,509; P=0,000								

Изоҳ: Р гуруҳ ичидаги фарқларнинг аҳамияти; Р₁ - назорат гуруҳига нисбатан.

Тилдаги оғриқлар шикоятлари COVID-19 ни ўтказган 4 (7,84±3,76%) беморда, таққослаш гуруҳида - 5 (13,51±5,62%) беморда қайд этилган.

Глоссалгия билан оғриган 4 ($7,84 \pm 3,76\%$) ва 1 ($2,70 \pm 2,67\%$) беморда асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги таъм бузилишлари кузатилган. Тилнинг шиши фақат асосий гуруҳда глоссалгия билан оғриган 2 ($3,92 \pm 2,72\%$) беморда, таққослаш гуруҳидаги 3 ($8,11 \pm 4,49\%$) беморда кузатилган (Пирсоннинг Хи-квадрати = 2,920; P = 0,571).

Даволанишдан 180 кун ўтгач, глоссалгия билан касалланган COVID-19 ни ўтказган беморлар: 1 тасида қуруқлик ($1,96 \pm 1,94\%$), 2 тасида куйиш ($3,92 \pm 2,725$), 1 тасида оғриқ ($1,96 \pm 1,94\%$), бу гуруҳда таъм бузилиши ва тилнинг шиши кузатилмаган. Таққослаш гуруҳида 3 нафар ($8,11 \pm 4,49\%$) беморда қуруқлик, 4 нафар ($10,81 \pm 5,10\%$) беморда куйиш ҳисси, 4 нафар ($10,81 \pm 5,10\%$) беморда оғриқ, тилда оғриқ, таъм бузилиши шикоятлари мавжуд (Пирсоннинг Хи-квадрати = 0,975; P=0,914).




4-расм. Тадқиқот гуруҳларида касалликнинг давомийлиги

Беморларда касалликнинг давомийлигини тенгсиз қайд этилди. Шундай қилиб, 2 ойдан 1 йилгача давом этиши асосий гуруҳдаги Covid-19 билан касалланган 22 нафар ($43,14 \pm 6,94\%$) бемор, таққослаш гуруҳидаги 5 нафар ($13,51 \pm 5,62\%$) беморда қайд этган. Касалликнинг 1-2 йил давом этиши асосий гуруҳда 10 бемор ($19,61 \pm 5,56\%$) ва таққослаш гуруҳида 7 ($18,92 \pm 6,44\%$) бемор томонидан қайд этилган. Глоссалгия давомийлиги 3 йил - 5 йилни асосий гуруҳдаги 12 ($23,53 \pm 5,94\%$) бемор, таққослаш гуруҳида 9 ($24,32 \pm 7,05\%$) бемор қайд этди. 5 йил ва ундан кўпроқ давом этишни асосий гуруҳдаги глоссалгия билан оғриган 7 ($13,73 \pm 4,82\%$) бемор, таққослаш гуруҳида 16 ($43,24 \pm 8,14\%$) беморда қайд этган.

Глоссалгия билан оғриган беморларнинг ёндош касалликларидан асосий гуруҳдаги 4 ($7,84 \pm 4,76\%$) беморда ва таққослаш гуруҳида 4 ($10,81 \pm 5,10\%$) беморда ошқозон-ичак касалликлари қайд этилган. Юрак-қон томир тизими касалликлари билан оғриган беморларнинг асосий гуруҳида глоссалгия 10 ($19,61 \pm 5,56\%$), таққослаш гуруҳида - 3 ($8,11 \pm 4,49\%$), эндокрин касаллиги бўлган асосий гуруҳда - 3 ($5,88 \pm 3,29\%$), таққослаш гуруҳида - 2 ($5,41 \pm 3,72\%$), асаб тизими касалликлари билан асосий гуруҳда - 7 ($13,73 \pm 4,82\%$), таққослаш гуруҳида - 5 ($13,51 \pm 5,62\%$) нафар беморларда қайд

этилди. Астеник синдром кўпинча глоссалгия билан бирга келади, беморлар оғриқ ва тилда куйиш туфайли овқатдан бош тортадилар. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги 6 (11,76±4,51%) беморда, таққослаш гуруҳида 8 (21,62±6,77%) беморда ушбу синдром кузатилган.

Иккала тадқиқот гуруҳида ҳам канцерофобия бир хил даражада кенг тарқалган, асосий гуруҳда бир оз тарқалган. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги 13 (25,49±6,10%) нафар бемор ва таққослаш гуруҳидаги 9 (24,32±7,05%) нафар бемор глоссалгия билан боғлиқ кўрқувларини билдиришди (5-расм).



5-расм. Глоссалгия билан оғриган беморларнинг ёндош касалликлари

5-жадвалда даволашдан олдин ва кейин ОНІ-S гигиена индекси кўрсатилган. Шундай қилиб, назорат гуруҳидаги 4 кишида (20,00±22,26%) гигиена мезони яхши, 11 кишида (55,00±11,12%) қониқарсиз, 5 кишида (25,00±9,68%) эса ёмон индекс мезонига эга. Таққослаш гуруҳида глоссалгия билан оғриган 7 (18,92±6,44%) беморларнинг гигиена даражаси яхши, 18 (48,65±8,22%) қониқарсиз, 12 (32,43±7,70%) - ёмон гигиена. (P<0,05) фарқнинг аҳамияти катта.

Реабилитация даврида Covid-19 ни ўтказган глоссалгия билан оғриган беморларда асосий гуруҳдаги ОНІ-S гигиеник индексининг яхши даражаси 8 (15,69±5,09%) кишида, 22 (43,14±6,94%) беморда қониқарсиз даражада, 21 тасида (41,18±6,89%) - гигиена кўрсаткичи ёмон деб қайд этилган. (P<0,05) фарқларнинг аҳамияти катта. Профилактик чора-тадбирлар ва даволашдан сўнг 18 нафар соғлом одам (90,00±6,71%) гигиена индексининг яхши даражасига эга бўлиб, 4,5 марта яхшиланиш кузатилди (p<0,05). Фақат 2 нафар (10,00±6,71%) кишининг гигиена даражаси қониқарсиз бўлган. Тишларни тозалашнинг стандарт усуллари ва индивидуал маҳсулотларни танлаш бўйича гигиена дарсидан сўнг, гигиена даражаси яхши (p<0,05) нормаллаштирилди.

Таққослаш гуруҳида глоссалгия билан оғриган 12 (32,43±7,70%) нафар беморларда даволанишдан сўнг гигиена даражаси яхши, 19 (51,35±8,22%) нафар беморларда гигиена қониқарсиз даражада, 6 (16,22±6,06%) нафар

беморларда ёмон гигиена даражада эди ($p < 0,05$). Таққослаш гуруҳидаги гигиена даражаси қониқарсиз ва ёмон бўлган беморларга ҳам саломатлик дарслари ўтказилди ва индивидуал гигиена воситалари танланди.

5-жадвал

Даволашдан олдин ва кейин ОНІ-S гигиеник индексининг кўрсаткичлари

Гуруҳ		ОНІ-S ГИ баҳолаш мезонлари					
		Яхши, 0 дан 1,2 гача		Қон-сиз 1,3 дан 3,0		Ёмон 3,0 юқори	
		abs	M±m,%	abs	M±m,%	abs	M±m,%
Назорат, n=20	Даводан олдин	4	20,00±22,26	11	55,00±11,12	5	25,00±9,68
	Даводан кейин	18	90,00±6,71	2	10,00±6,71	0	0,00±0,00
	90 кун	20	100,0±0,00	0	0,00±0,00	0	0,00±0,00
	180 кун	20	100,0±0,00	0	0,00±0,00	0	0,00±0,00
Таққослаш, n=37	Даводан олдин	7	18,92±6,44	18	48,65±8,22	12	32,43±7,70
	Даводан кейин	12	32,43±7,70	19	51,35±8,22	6	16,22±6,06
	90 кун	21	56,76±8,14	14	37,84±7,97	2	5,41±3,72
	180 кун	25	67,57±7,70	11	29,73±7,51	1	2,70±2,67
	P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 29,360; p=0,000					
	P1	Пирсоннинг Хи-квадрати = 52,01; p=0,000					
Асосий, n=51	Даводан олдин	8	15,69±5,09	22	43,14±6,94	21	41,18±6,89
	Даводан кейин	25	49,02±7,00	23	45,10±6,97	3	5,88±3,29
	90 кун	34	66,67±6,60	16	31,37±6,50	1	1,96±1,94
	180 кун	46	90,20±4,16	5	9,80±4,16	0	0,00±0,00
	P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 35,276; p=0,000					
	P1	Пирсоннинг Хи-квадрати = 86,797; p=0,000					

Изоҳ: P- гуруҳ ичидаги фарқларнинг аҳамияти; P1 - назорат гуруҳига нисбатан.

Даволанишдан сўнг реабилитация даврида Covid-19 бўлган глоссалгия билан оғриган беморларнинг асосий гуруҳида 25 нафар беморнинг (49,02±7,00%) гигиеник ҳолати яхши деб баҳоланди, 3,12 мартага сезиларли яхшиланиш кузатилди ($P < 0,05$). 23 (45,10±6,97%) нафар беморда қониқарсиз гигиеник ҳолат қайд этилди, 3 (5,88±3,29%) ГИ ОНІ-S нафар беморларда ёмон деб баҳоланди, бу даволашдан олдинги ҳолатга нисбатан 7,0 баравар камайган ($P < 0,05$).

Оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш гигиена дарсларидан кейин 90 ва 180 кун ўтгач ва 20 та соғлом одамда тишларни ювишга индивидуал ўргатиш 100% гигиена даражаси яхши бўлган.

Таққослаш гуруҳида анъанавий даволанишдан 90 кун ўтгач, глоссалгия билан оғриган 21 ($56,76 \pm 8,14$) беморнинг гигиена даражаси яхши бўлган, аммо 14 нафар ($37,84 \pm 7,97$) беморда қониқарсиз гигиена даражаси, 2 ($5,41 \pm 5,41$) беморда гигиенанинг паст даражаси қайд этилган. Даволанишдан 180 кун ўтгач, глоссалгия билан оғриган 25 ($67,57 \pm 7,70$) беморларда гигиена яхши, 11 ($29,73 \pm 7,51$) беморда гигиена қониқарсиз даражада, 1 ($2,70 \pm 2,67$) нафар беморда ёмон даражада.

Асосий гуруҳдаги глоссалгия билан оғриган беморларни комплекс даволашдан 90 кун ўтгач, 34 ($66,67 \pm 6,60$) нафар беморда гигиена даражаси яхши, 16 нафар беморларда ($31,37 \pm 6,50$) гигиена қониқарсиз даражада, 1 ($1,96 \pm 1,94$) нафар беморларда ёмон даражали гигиена. Комплекс даволашдан 180 кун ўтгач, реабилитация даврида COVID-19 ни ўтказган глоссалгия билан оғриган 46 ($90,20 \pm 4,16$) беморларнинг гигиена даражаси яхши, атиги 5 нафарида ($9,80 \pm 4,16$) қониқарсиз гигиена даражаси кузатилган. Ушбу гуруҳда гигиеник ҳолати ёмон бўлган беморлар йўқ эди (5-жадвал).

Шундай қилиб, таққослаш гуруҳидаги беморларнинг гигиена кўрсаткичларини 14-кундаги даволанишдан кейин ва 90 ва 180 кунлик кўрсаткичларни солиштирганда, мос равишда 13,51% га камайганлиги аниқланди; 24,33%; 10,81%.

6-жадвал

ОНИ-S гигиеник индексининг кўрсаткичлари ва тилнинг дискриминацион сезгирлиги(ТДС) комплекс даволашдан олдин ва кейин, $M \pm m$

Гуруҳлар		ОНИ-S (балл)	ТДС (мм)
Контроль, n=20	Даводан олдин	$1,55 \pm 0,23$	$1,40 \pm 0,01$
	Даводан кейин	$1,10 \pm 0,06^{***}$	$1,31 \pm 0,01^{***}$
	90 кун	$0,99 \pm 0,01^{**}$	$1,10 \pm 0,01^{**}$
	180 кун	$0,96 \pm 0,01^*$	$1,01 \pm 0,01^*$
Таққослаш, (n=37)	Даводан олдин	$3,22 \pm 0,28^x$	$2,45 \pm 0,01^x$
	Даводан кейин	$2,45 \pm 0,01^{***x}$	$1,78 \pm 0,02^{***x}$
	90 кун	$1,79 \pm 0,02^{**}$	$1,58 \pm 0,05^{**}$
	180 кун	$1,38 \pm 0,05^*$	$1,26 \pm 0,04^*$
Асосий, (n=51)	Даводан олдин	$3,47 \pm 0,22^x$	$2,92 \pm 0,01^x$
	Даводан кейин	$2,92 \pm 0,01^{**xx}$	$1,62 \pm 0,01^{**xx}$
	90 кун	$1,61 \pm 0,01^*$	$1,42 \pm 0,04^*$
	180 кун	$0,90 \pm 0,04^*$	$1,40 \pm 0,01^*$

Изоҳ: * - даволашдан олдинги ҳолатга нисбатан фарқларнинг аҳамияти қайд этилди (***- $P < 0,05$; **- $P < 0,01$; *- $P < 0,001$); x – назорат гуруҳига нисбатан (xxx- $P < 0,05$; xx- $P < 0,01$; x- $P < 0,001$).


Даволашдан олдин назорат гуруҳидаги ОНІ-S кўрсаткичлари $1,55 \pm 0,23$ балл ($P < 0,05$), даволашнинг 14-кунда - $1,10 \pm 0,06$ ($P < 0,001$), 90 кундан кейин - $0,99 \pm 0,01$ ($P < 0,01$), 180 кун - $1,38 \pm 0,05$ ($P < 0,001$) ташкил қилди. Даволашдан олдин таққослаш гуруҳидаги ОНІ-S кўрсаткичлари $3,22 \pm 0,28$ балл ($P < 0,05$), даволашнинг 14-кунда - $2,45 \pm 0,01$ ($P < 0,001$), 90 кундан кейин - $1,79 \pm 0,02$ ($P < 0,01$), 180 кун - $0,96 \pm 0,01$ ($P < 0,001$).

Асосий гуруҳда ОНІ-S кўрсаткичлари $3,47 \pm 0,22$ балл ($P < 0,001$), даволашнинг 14-кунда - $2,92 \pm 0,01$ ($P < 0,01$), 90 кундан кейин - $1,61 \pm 0,01$ ($P < 0,001$), 180 кун - $0,90 \pm 0,04$ ($P < 0,001$).

6-жадвалдан кўришиб турибдики, Вебер циркули билан ўлчалганда, даволашдан олдин назорат гуруҳидаги соғлом одамларда тилни дискриминацион сезгирлиги $1,40 \pm 0,01$ мм, даволашдан 14 кун ўтгач - $1,31 \pm 0,01$ мм ($P < 0,001$), 90 кундан кейин - $1,10 \pm 0,01$ мм ($P < 0,01$), 180 кундан кейин $1,01 \pm 0,01$ мм ($P < 0,001$). Даволашдан олдин таққослаш гуруҳида тилнинг дискриминацион сезгирлиги $2,45 \pm 0,01$ мм ($P < 0,05$), даволашдан 14 кун ўтгач - асосий гуруҳда $1,78 \pm 0,02$ мм ($P < 0,001$), 90 кундан кейин - $1,58 \pm 0,05$ мм, ($P < 0,01$) 180 кундан кейин - $1,26 \pm 0,04$ мм ($P < 0,001$).

Асосий гуруҳда даволашдан олдин тилнинг дискриминацион сезгирлиги $2,92 \pm 0,01$ мм ($P < 0,001$), 14 кундан кейин $1,62 \pm 0,01$ мм ($P < 0,01$), даволашдан кейин 90 кун - $1,42 \pm 0,04$ мм ($P < 0,001$), кейин 180 кун - $1,40 \pm 0,01$ мм ($P < 0,001$). Иккала клиник гуруҳдаги беморларда ўтказилган ўлчов натижалари шуни кўрсатадики, глоссалгия билан оғриган барча беморларда, айниқса Covid-19 (асосий гуруҳ) ва глоссалгия билан оғриган беморларда чуқур тактил сезувчанлик сезиларли даражада пасайган ($P < 0,01$), назорат гуруҳи билан солиштирганда.

Шундай қилиб, тилнинг шиллик қаватининг дискриминацион сезгирлигини баҳолаш натижаларига кўра, текширилган гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар топилмади.



6-расм. Глоссалгия билан оғриган беморларда дисгевзиянинг частотаси

Кузатишлар даволашдан олдин глоссалгия билан оғриган беморларда Covid-19 билан касалланган ва кўпинча нордон ва шўрга, Covid-19 бўлмаган беморларда таъмга сезгирлик чегараси пасайганлигини кўрсатди, аччиқ ва ширинга сезувчанлик эса нормал чегараларда қолди.

7-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида глоссалгия билан оғриган беморларнинг таъм сезгирлик чегарасини аниқлаш, $M \pm m$

Таъм модалилиги		Ширин	шўр	нордон	аччиқ	
Таъм сезгирлигини чегараси % эритма	Назорат, n=20		0,51±0,02	0,22±0,03	0,17±0,01	0,62±0,03
	таққослаш, n=37	Даволашдан олдин	0,56±0,03 ^x	0,32±0,02 ^x	0,26±0,02 ^x	0,57±0,02 ^x
		Даволаниш дан кейин	0,52±0,02 ^{xx}	0,31±0,02 ^{**x}	0,18±0,01 ^{***xx}	0,57±0,02 ^{*x}
		90 кун	0,51±0,02	0,30±0,02 ^{**x}	0,18±0,01	0,58±0,02 ^{*x}
		180 кун	0,49±0,02 ^{**x}	0,28±0,02 ^{**x}	0,18±0,01	0,59±0,02 ^{*x}
	асосий n=51	Даволашдан олдин	0,58±0,03 ^x	0,35±0,02 ^x	0,37±0,02 ^x	0,58±0,03 ^x
		Даволаниш дан кейин	0,54±0,03 ^{**x}	0,34±0,02 ^{**x}	0,21±0,01 ^{*x}	0,57±0,03 ^{*x}
		90 кун	0,53±0,03 ^{**x}	0,33±0,02 ^{**x}	0,20±0,01 ^{***xx}	0,60±0,03 ^{*xx}
		180 кун	0,51±0,03	0,23±0,02	0,18±0,01	0,63±0,03

Изоҳ: * - даволашдан олдинги ҳолатга нисбатан фарқларнинг аҳамияти қайд этилди (***-P<0,05; **-P<0,01; *-P<0,001); x – назорат гуруҳига нисбатан (xxx-P<0,05; xx-P<0,01; x-P<0,001).

Шундай қилиб, реабилитация босқичида Covid-19 бўлган беморларда глоссалгиянинг густометрик белгиси тилнинг дискриминацион сезгирлиги нордон ва шўрга камайиши, таққослаш гуруҳидаги беморларда бироз яхшироқ ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Реабилитация босқичида Covid-19 бўлган глоссалгия билан оғриган беморларда қайталаниши патогенетик даволаш курсидан сўнг, 90 ва 180 кундан кейин таъм сезгирлик чегараси индексининг меъёрлашиши кузатилади. Агар кислотали кўзғатувчининг дисгевзияси вақтинчалик бўлса ва касалликнинг барқарор ремиссияси натижасида йўқолса, шўр кўзғатувчининг гипогевзияси аччиқ стимулга етарли даражада жавоб бермаслигини келтириб чиқаради ва беморларда глоссалгиянинг мураккаб курсининг биологик белгиси ҳисобланади.

8-жадвалдан кўриниб турибдики, назорат гуруҳидаги шахсларнинг таъм билиш сўрғичларини функционал фаоллигини ўрганиш, ёндош касалликларсиз, тилнинг таъм сезгиларининг деярли тўлиқ фаоллашиши кузатилган. Шу билан бирга, тилнинг ишлайдиган сўрғичлар сони $40 \pm 0,15$, ишламайдиган - $8 \pm 0,15$, овқатдан кейин улар мос равишда $26 \pm 0,19$ ва $22 \pm 0,19$ ни ташкил этди. $M \pm m$ даражасидаги ўзгаришлар $18,01 \pm 0,32$ ни ташкил этди.

Таққослаш гуруҳидаги беморларда оч қоринга даволанишдан олдин тилнинг ишлайдиган ва ишламайдиган сўрғичларининг кўрсаткичлари $33 \pm 0,22$ ва $15 \pm 0,21$ ($P < 0,001$), овқатдан кейин мос равишда $29 \pm 0,21$ ва $19 \pm 0,21$ ни ташкил этди. ($P < 0,001$). $M \pm m$ даражасидаги ўзгаришлар $14,03 \pm 0,40$ ($P < 0,001$) ни ташкил этди.

8-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида глоссалгия билан оғриган беморларда тилнинг таъм сўрғичларининг функционал ҳаракатчанлигидаги ўзгаришлар, даволашдан кейин, $M \pm m$.

Гуруҳ		Оч қоринга		Овқатдан кейин		
		Ишлайдиган сўрғичлар	Ишламайдиган сўрғичлар	Ишлайдиган сўрғичлар	Ишламайдиган сўрғичлар	Ўзгариш даражаси $M \pm m$
Назорат, n=20		$40 \pm 0,15$	$8 \pm 0,15$	$26 \pm 0,19$	$22 \pm 0,19$	$18,01 \pm 0,32$
Таққослаш n=37	Даводан олдин	$33 \pm 0,22^x$	$15 \pm 0,21^x$	$29 \pm 0,21^x$	$19 \pm 0,21^x$	$14,03 \pm 0,40_x$
	Даводан кейин 14-кун	$35 \pm 0,18^{***}$	$14 \pm 0,19^x$	$27 \pm 0,22^x$	$20 \pm 0,22^{xx}$	$15,16 \pm 0,36_x$
	90 кун	$37 \pm 0,18^{**}$	$12 \pm 0,18^{***}$	$27 \pm 0,20^{**}$	$21 \pm 0,20^{***}$	$16,08 \pm 0,33_{***}$
	180 кун	$38 \pm 0,19^*$	$10 \pm 0,17^*$	$26 \pm 0,18^*$	$21 \pm 0,19^{**}$	$17,00 \pm 0,31^*$
Асосий n=51	Даводан олдин	$29 \pm 0,22^x$	$19 \pm 0,14^x$	$30 \pm 0,17^x$	$18 \pm 0,17^x$	$11,12 \pm 0,12_x$
	Даводан кейин 14-кун	$32 \pm 0,15^{**}$	$16 \pm 0,15^{***}$	$29 \pm 0,26^{xx}$	$19 \pm 0,26^{xx}$	$14,01 \pm 0,35_{xx}$
	90 кун	$36 \pm 0,18^{**}$	$13 \pm 0,17^{**}$	$27 \pm 0,24^{**}$	$20 \pm 0,24^{***}$	$16,12 \pm 0,29_{***}$
	180 кун	$39 \pm 0,22^*$	$9 \pm 0,15^*$	$26 \pm 0,23^*$	$22 \pm 0,23^*$	$18,12 \pm 0,32^*$

Изоҳ: * - даволашдан олдинги ҳолатга нисбатан фарқларнинг аҳамияти қайд этилди (**- $P < 0,05$; *- $P < 0,01$; *- $P < 0,001$); x – назорат гуруҳига нисбатан (xxx- $P < 0,05$; xx- $P < 0,01$; x- $P < 0,001$).


14 кунлик даволанишдан кейин кўрсаткичлар мос равишда $35 \pm 0,18$ ($P < 0,01$) ни ташкил этди; $14 \pm 0,19$; $27 \pm 0,22$ ($P < 0,001$), $20 \pm 0,22$ ($P < 0,01$). $M \pm m$ даражасидаги ўзгаришлар $15,16 \pm 0,36$ ($P < 0,001$) ни ташкил этди.

